

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2007-yil • 6-yanvar • Shanba • 3 (27.648) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

❖ **Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи**

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилги Давлат стипендиатларидан бири — **Наргиза УМАРОВА** 1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Пойтахтдаги 226-ўрта мактабда таҳсил олган. У 2003 йилда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқишга қабул қилинган. Унинг отаси — Баҳодир Умаров Марказий тиббий-мехнат экспертиза комиссиясида эксперт-офтальмолог, онаси — Роҳат Ташова Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис лавозимида меҳнат қилади.


Наргиза ҳаётда — Дени Дидронинг «Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар» деган машҳур иборасига амал қилади. Айни пайтда «Мумтоз шеърят йўналишидаги асарларда публицистик пафос» мавзусидаги илмий тадқиқот устида иш олиб

борапти. Унинг илмий изланишларига Узоқ Жўракулов, Ойниса Муҳаммадиева каби устозлари яқиндан ёрдам бермоқда.

Наргиза қатор кўрик-танлов, олимпиада ва маданий-маърифий ҳамда илмий-ижодий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Шунингдек, у ЎЗМУ қошида очилган «Нотиклар гуруҳи»нинг етакчиси ҳисобланади. Шунингдек, унинг таъкидлаш кераки Наргиза ўтган йили университет миқёсида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — энг олий қадрият» мавзусидаги талабалар илмий конференциясида фахри биринчи, «Нотик талаба» танловида эса иккинчи ўринни эгаллади. Рус ва инглиз тилларида эркин гаплаша олади.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Суратда: Наргиза Умарова.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат



❖ **ЎзХДП ҳаёти**

ТЕЛЕКУПРИК

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Гулистон давлат университети ўртасида телекуприк шаклида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон ХДП Яққасарой туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуман «Ёшларнинг юксак маънавияти мамлакатимиз келажagini мустақам пойдеворидир» деб номланди. Илм даргоҳлари залларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилоят Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари, университетларнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар тўпландилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Боймурод Юсупов, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сирдарё вилоят филиали директори ўринбосари Бахтиёр Утанов, Яққасарой туман ҳокими Валижон Муллажонов мавзунинг турли масалалари юзасидан маъруза қилдилар.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдидилар.

Савол: — Биз таҳсил олаётган университет (ТДПУ) ёнида тунги клублар бор. Университетимизнинг ётоқхоналари ҳам шу ерда жойлашган. Бунинг ёшлар маънавиятига таъсири бор-ку...

Жавоб (В.Муллажонов): — Таълим муассасаларига яқин жойларда тунги клубларнинг мавжудлиги тўғри эмас, деб ўйлаймиз. Туман прокуратураси шу иш юзасидан айрим про-

флактик ишларни олиб боради. Аммо, бу етарли эмас. Биз бу масалани яна бир бор ўрганиб чиқиб, албатта, тегишли чораларни кўрамиз.

Савол: — Ўзбекистон ХДП Дастурида ёшлар маънавияти масалаларига қандай эътибор қаратилган?

Жавоб: — Ўзбекистон ХДП юксак маънавиятини шакллантиришга хизмат қилаётган ўқитувчилар, миллий маънавиятимизнинг ҳақиқий ворислари бўлиши ёшларни ўзининг электорати вакиллари, деб ҳисоблайди. Ёшларнинг юксак маънавиятга эга бўлишлари, келгуси авлодлар ота-боболаримиздан қолган маънавий бойлиқни мерос қилиб олишлари асосий мақсадларимиздан биридир. Дастурида бу масалалар ўз аксини топган.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ **14 ЯНВАРЬ — Ватан ҳимоячилари куни**

АРМИЯМИЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Оммавий-ватанпарварлик ойлиги доирасида Тўрақўрғон туманида ҳам миллий мустақиллик ғоясини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бўйича қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти тўман кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари бу борада ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси ҳақиқий Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллигини нишонлашга қаратилган.

— Мудофаа ишлари, халқ таълими бўлимлари, касб-хунар коллежларининг ўқитувчи ва талабалари билан бирга ёшларнинг Қуроли Кучлар фахрийлари, жанговар хизмат аълочилари, ёзувчи ва шoirлар билан учрашувларини ўтказяпмиз, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти тўман кенгаши раиси М.Набиев. — Тинчлик ва осойишталикни сақлаш, оғоҳликни ошириш, ёшларни ҳисмоний ва маънавий тарбиялаш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари қизиқари ўтмоқда.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎЗА муҳбири

❖ **Муносабат**

ЭРТАМИЗГА ИШОНЧ

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа Ватанимизнинг буюк келажagini таъминлашдек олжаноб мақсадларга хизмат қилаётганини ўйласак, кўнглимизда беҳттиёр гурур, ишонч, ифтихор уйғонади. Президентимизнинг Янги йил аёми муносабати билан халқимизга йўлаган байрам табриги юртдошларимиз қалбида эртанги кунга ишонч руҳини уйғотди.

Шавкат ДАДАМУҲАММЕДОВ, пенсионер, Тошкент шаҳри:

— Худоба шукр, юртимиз тинч. Мен ҳар гал одамлар билан гаплашганимда, шу тинчлигимизга кўз тегмасин дейман. Тинчлик бор экан, ҳаётимиз тўқис бўлади, халқимиз шод-хуррам, осойишта яшайди. Президентимизнинг байрам табригидаги дил сузларини тинглаб туриб, Аллоҳ берган ана шу бебаҳо неъматни қадрлаш муҳим эканлигини яна бир бор англаб етдим. Бугун юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик ҳар бир фуқаронинг бу неъматни қанчалик тушунишига, қадрлашига боғлиқ. Одамлар иноқ яшаса, ҳар бир тинч куннинг нима эвазига бўлаётганини англаб етса — шунинг ўзи катта давлат.

Халқимиз меҳр-оқибатни ҳеч қачон унутмайди. Бу дунёда ўзганинг бахтидан қувонган, ўзи ҳам яхшилик йўлида бошқаларга қўл берган миллат борки, ҳаммаша ниётига етган. Мен ҳам Янги йил оқшомида ниёт қилдим: илоҳо юртимизни ёмон кўздан асрасин, халқимизга, элу юртимизга тинчлик, яхшилик ва тўқимизга доимо ҳамроҳ бўлсин!

Муътабар СОДИҚОВА, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Президентимизнинг байрам табригида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» доирасида саховат ва муруват ишлари учун миллиардлаб сўм маблағ сарфлангани айтиб ўтилди. Мана шунинг ўзидек ўтган йилда эҳтиёткорликни қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатади. Биргина кам таъминланган оилалар, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга 3,7 млрд. сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Ижтимоий таъминот тизимида рўйхатга олинган ва ўзгалар парваришига муҳтож деб топилган қарийб 23 миң нафар ёлғиз пенсионер ҳамда ногиронлар уйда ижтимоий хизмат билан қамраб олинган. Муруваттеша қорхона-ташкilotлар, хомийлар томонидан 33 та «Саховат» ва «Муруват» уйлари, 28 та «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда 93 та махсус мактаб-интернатларга 4,2 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган...

Қўлимизни кўксимизга қўйиб тан олишимиз кераки, ҳеч бир жамият ёки давлатда мавжуд муаммолардан ортиб, ижтимоий ҳимоя масалаларига бу даражада эътибор қаратилмаган. Юртбошимиз томонидан эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» да эзгуликка йўғрилган бундай савий-ҳаракатлар қўламини янада кенгайтиди. Чунки, бошланган йилимиз моҳиятан ўтган йилнинг давомидир. Демак, жамиятимизда меҳр-муруват тамойиллари янада барқарорлашадди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» ўтган йилги фаолиятимизнинг узвий давоми албатта. 2007 йилда ҳам бу хайрли ишлар давом этади. Табрикни ўқигач, бунга янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдим.

Эркин АБДУСАЛОМОВ, Нуробод туман халқ таълими бўлими мудури:

— Президентимизнинг Янги йил қирришига санокли дақиқалар қолганда ўқиб эшиттирилган байрам табригидаги бир жиҳат мени, айниқса қувонтирди. Унда таълим соҳасидаги ислохотлар, бу борада қабул қилинган муҳим дастурларни баҳариш жамиятимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мен бир таълим ходими сифатида шунини айтишим кераки, мактабга, муаллимга бўлган эътибор ҳеч қачон бу даражада юксак бўлмаган. Шундан бўлса керак, тақдир тақозоси билан бир пайтлар муаллимликни бошқа касбга алмаштирганлар яна ўз соҳасига қайта бошладилар. Муаллимнинг оширилган маоши, жамиятдаги мавқеи бунга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда ҳукуматимизнинг ўқитувчи ва мураббийларни моддий рағбатлантиришдаги ғамхўрликларини яна бир эсга олайлик. Бу эътибор ўқитувчиларда ўз касбига меҳр уйғотди. Президентимиз байрам табригида аҳоли эҳтиёткорлигини таъминлаш бўйича Янги йилда ҳам ўтган йилларда бошланган ижтимоий ишлар изчил давом эттирилиши ҳақида тўхталдилар. Демак, ўқитувчиларнинг моддий рағбати бу йилда янада ошади.

Барқамол ИСҲОҚОВ, республика Шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали директори:

— Янги йил табригини газетадан ўқирканман, узоқ ва яқин ўтмишимиз кўз олдимда жонланди. Илгари шифокорларга шунчалик эътибор кўрсатилганими? Мамлакатимизда кейинги бир неча йил ичида соҳамизга бўлган муносабат тўдан ўзгарди. Касбимиз қадри юксалди. Энг муҳими, кетма-кет икки йилни Президентимиз «Сихат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилишлари соҳа ходимлари нуфузини юксак даражага кўтарди деса, ўйлайманки, янглишмаган бўламан. Қолаверса, ўтган йилда Тиббиёт

ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонуннинг эълон қилиниши ҳам ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишдан асосий мақсад халқимиз саломатлигини мустақамлашдир.

«Ижтимоий ҳимоя йили» ўтган йилги фаолиятимизнинг узвий давоми албатта. 2007 йилда ҳам бу хайрли ишлар давом этади. Табрикни ўқигач, бунга янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдим.

Сирожиддин АЪЗАМОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Юртбошимизнинг Янги йил табриги мағзини қаққидан бўлсақ, унда ҳамма соҳага тааллуқли фикрлар айтилган, вазифалар қўйилган. Шундай экан, бундан ҳар бир инсон тўғри хулоса чиқариб, юртимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мен бир таълим ходими сифатида шунини айтишим кераки, мактабга, муаллимга бўлган эътибор ҳеч қачон бу даражада юксак бўлмаган. Шундан бўлса керак, тақдир тақозоси билан бир пайтлар муаллимликни бошқа касбга алмаштирганлар яна ўз соҳасига қайта бошладилар. Муаллимнинг оширилган маоши, жамиятдаги мавқеи бунга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда ҳукуматимизнинг ўқитувчи ва мураббийларни моддий рағбатлантиришдаги ғамхўрликларини яна бир эсга олайлик. Бу эътибор ўқитувчиларда ўз касбига меҳр уйғотди. Президентимиз байрам табригида аҳоли эҳтиёткорлигини таъминлаш бўйича Янги йилда ҳам ўтган йилларда бошланган ижтимоий ишлар изчил давом эттирилиши ҳақида тўхталдилар. Демак, ўқитувчиларнинг моддий рағбати бу йилда янада ошади.

Татьяна ЯКУБОВА, II жаҳон уриши қатнашчиси, меҳнат фахрийси:

— Янги 2007 йилда ёлғиз кексалар, ногиронлар ва кўмакка муҳтож кишиларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирларнинг кенг тус олиниши эшитганимда жуда хурсанд бўлиб кетдим. Тан олиб айтиш керак, ёшнинг бир жойга бориб қолганда ўзгалар эътиборига, меҳрига муҳтожлик сезаркансан. Шундай пайтда ҳукуматимизнинг биздай эҳтиёткор одамларга қилаётган ғамхўрлиги кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Мен Юнусобод туманидаги «Туркистон» маҳалласида яшайман. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Хар сафар маҳалламиз ва туман ҳокимлигидагилар келиб аҳолимиздан хабар олишганида меҳру эътиборни ҳис қиламан. Бу йил пенсиямиз ҳам оширилди. Бу бизга қўшимча қувват, ёрдам дегани. Ишқилиб юртимиз тинч бўлсин, ҳар ким ниётига етсин.

Матноза ЭЛМУРОВА
ёзиб олди.

БУ ҲАҚДА...

«Шу маънода, 2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз замирида ҳам, аввало, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, муҳтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустақамлаш каби олижаноб мақсадлар мужассам экани барчамизга аён.»

БУ ҲАҚДА Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон халқига йўлаган Янги йил табригида алоҳида таъкидлади.

❖ **Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан**

ҚАДИМ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЎЧОҒИ

Олимлар инсоният тарихини ўрганаётган экан, унинг энг қадимги тош даврларини ёввойлик, кейинги даврларини варварлик босқичи, деҳқончилик маданияти қуртак ёзган даврдан бошлаб эса цивилизация босқичи деб атайдилар. Улар Урта Осиёнинг марказий ҳудудларида, айниқса, Зарафшон дарёсининг ўрта ва юқори оқимларида шундай цивилизациялар қачон бошланганини тўғрисида кўп вақтлардан бундан бош қотириб келишган. Аслида Самарқанд атрофларидаги Омонқўтон, Ангиллак каби тоғли ҳудудлардаги форларда, Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ каби маҳонларда ибтидоий одамлар ўрта тош давридан эътиборан яшай бошлаганиликлари маълум. Самарқанд шаҳри ҳудудида эса юқори палеолит даври одамларининг турар-ўй маконлари топил ўрганилган.

Кейинги мезолит ва неолит даврларида ҳам ибтидоий одамлар яшаган маконлар Самарқанднинг жанубий тарафларидаги тоғ этакларида, айниқса, Сазагон атрофларида ва асосан тоғ сойлари ёқаларида жойлашган ерлардан қўллаб маконлар топилган. Бу ёдгорликлар Самарқанд воҳасида инсоният энг қадимги даврлардан бундан узоқсиз яшаб келишини кўрсатади.



2-бет

BUGUNGI SONDA

СЎЗ — ЎзХДП ЛИДЕРЛАРИГА

ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ
ЙИФИЛАДИ

ИСЛОМХЎЖА
МИНОРАСИ
НЕЧА МЕТР?

ОҚТОШГА
АЙЛАНГАН КАВКАЗ

ЁХУД ОБИД АСОМОВНИНГ
БАЖАРИБ БЎЛМАЙДИГАН
ИЛТИМОСИ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар аниқлашмоқчи

Сўз — ЎзХДП лидерларига

ОБРУ МИСҚОЛЛАБ ЙИГИЛАДИ

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Ҳамро ЭРМАТОВ билан мухбиримизнинг суҳбати ички партиявий ишлар ва партия нуфузини ошириш нималарга боғлиқлиги ҳақида бўлди.

— Ҳамро Эгамович, маълумки ўтган йили мамлакатимизда партияимиз аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилди. Бу ишлар вилоятда қандай амалга оширилди? Унинг натижалари ҳақида тўхталсангиз?

— Ушбу ташкилий-сиёсий тадбир давомида ҳар бир партия аъзоси билан юзма-юз мулоқот ўтказдик. Уларга ХДПнинг янги Дастури, унинг устувор йўналишлари ва мақсадлари обдон тушунтирилди.

Чунки, биз сон кетидан қувамдан эътиқодли аъзоларга эга бўлишга қарор қилган эдик. Тўғриси, эътиқодсиз минг аъздан кўра эътиқодли юз нафар аъзо бўлгани маъқул. Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида биз ҳеч қандай илтимос билан ёки амаллаб сафимизда қолдиришга ҳаракат қилганимиз йўқ. Ҳар қим ўз қалбига қўлқў тутишига имконият яратиб бердик.

Қайта рўйхатга олиш ишларида партиянинг Шеробод, Қизирик, Денов туман кенгашлари фаоллик кўрсатди. Қайта рўйхатга олиш жараёни партиянинг ташкилий ва кадрлар билан ишлашда тўпланиб қолган муаммоларни аниқлаш имконини берди. Ташкилий-сиёсий тадбир давомида партия сафларига кўпроқ ёшларни қабул қилишга эътибор қаратилди. Чунки, улар келажакимиз. Уларни партия сафларига жалб қилишимизнинг яна бир сабаби шундаки, улар партиянинг дастурий голларини электрат орасида кенг тарғиб қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, одамлар билан ишлашда янги-янги усул ва воситаларни қўллашда ташаббускорлик кўрсатадилар.

Партия сафларига ёшлар келиб қўшилиши ҳисобига бугунги кунда аъзоларимиз сони 32 минг кишидан ошди. Уларнинг аксариятига янги шаклдаги партия гувоҳномалари топширилди.

— Ҳар қандай сиёсий куч, у партия бўладими, бошқа жамоат бирлашмаси бўладими, жамиятга, аҳолига нафи тегсагина одамлар шу ташкилотга бирор масалада мурожаат қилади, унга ишонади. Бу ўринда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида депутатлик гуруҳлари фаолиятига кўп нарса боғлиқ. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари одамлар ишончини қай даражада оқлашяпти?

— Депутатлик гуруҳларимиз фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларни умумлаштириб, муаммоларни ечиш учун ижроия органлари олдига мавжуд муаммони қўйишмоқда. Масалан, ХДПдан сайланган

депутатлар гуруҳи ташаббуси билан 2006 йилнинг август ойида «Вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш аҳоли ва уни янада яхшилаш тўғрисида»ги масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига қўйилди. Сессияда ушбу масала юзасидан тадбирлар белгилаб олинди. ХДП фаолларининг аралашуви билан тадбирлар ижроси назоратга олинди. Шундан сўнг Термиз шаҳридаги кўп қаватли уйлари ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 4 та артезан кудуғи қазилди ишлари бошланди. Айни пайтда шаҳардаги «Дўстлик» маҳалласи ҳудудидаги сув чиқмаётган кўп қаватли уйлارга сув чиқариш масаласини ижобий ҳал этиш чоралари кўриляпти.

Бугунги кунда партияимизнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қришида 15 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили уларга 700 га яқин аризалар тушди. Уларнинг 169 таси коммунал хизматларга доир, 147 таси ер масаласига оид, 103 таси моддий ёрдам ҳақида, 63 таси ишга жойлаштириш хусусида, 31 таси соғлиқни сақлаш тизими, қолгани халқ таълими соҳасига тааллуқли бўлиб, мурожаатларнинг барчаси эътиборимизда четда қолмади.

— Аммо, тан олимимиз керак, камчиликларимиз ҳам оз эмас. Биз Янги — «Ижтимоий ҳимоя йили»-да бу борадаги ишларимизни кескин қўйиб қўйиш чора-тадбирларини кўрамиз. Ҳаётнинг ўзи биздан шунга талаб этмоқда. Ҳуқуқ ва ваколатларимиз эса тобора ошмоқда. Мамлакатимиз Президентни томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилган «Вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва Конституциянинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ўқиб, ўрганиб, ўз кўчиримизга ишончимиз янада ошди. Зиммаимиздаги масъулият юқини ҳам ҳис этиб туришимиз.

— Сиёсий партия обрўсини ошириш учун нималар қилмоқ керак деб ўйлайсиз?

— Обрў биланига келмайди, миқдорда йиғилади. Бунинг учун гап билан иш бир бўлиши лозим. Ташаббускорлик, фидойилик, бурчага садоқат керак.

Абдурашул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

МУРУВВАТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Жорий йилнинг мақсад-моҳиятини чуқур анлаган Бухородаги «Раҳматова — зардуш» масъулияти чекланган жамият жамоаси мурувват борасида кўнгилларига тугиб қўйган ниятларининг дастлабкисини байрам арафасида амалга оширишди. Йигирма нафардан ортиқ ХДП аъзоси меҳнат қилаётган корхона зардушлари шаҳарнинг Имом ал-Бухорий, Мухтор Ашрафий, Фафур Фулом номли кўчаларидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга совға-салом улашдилар.

— Мурувватнинг катта-кичиги бўлмайди, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Баҳида Авазова. — Ҳомийларимиз ногирон ва кам таъминланган кишиларга рангли телевизор совға қилишди, бундан бошимиз осмонга етди. Илоё умрлари узоқ бўлсин.

Жамият қузатув кенгаши раиси, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати, ЎзХДП фаоли Раҳим Ҳўжаевнинг таъкидлашича, бу йил «Мурувват» ва «Саховат» уйлари ҳамда кам таъминланган оилаларга мақсадли кўмак бериш ҳам режалаштирилган.

Даврон БАХРОНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)


Ўрта Осиёнинг кўплаб ҳудудларида неолит даврида, яъни миллодан илгариги 6-5 минг йилликларда ибтидоий одамлар фақат овчилик, балиқчилик қилиб, айрим ерларда чорва моллари боқиб кун кўришар эди. Бу даврдаги ягона деҳқончилик билан кун кўрадиган ибтидоий қабилалар Туркманistonнинг жанубий қисмларидаги Жойтун маконидан ҳамда Каспий бўйларидан ва яна бошқа маконлардан топилган ёдгорликлардан маълум. Жойтун маконидан илк деҳқон қабилаларининг бир хонали уйлари ва унинг атрофлари ўралган ховлиларидек ўчоқ ва ҳужаликка керакли иншоотлар бўлар эди. Зарафшон воҳасининг Туркманiston жануби-ғарбий ҳудудларидан фарқи шунда эдики, бу ерлардаги неолит даври маконларида яшайдиган қабилалар хали овчилик ва балиқчилик билан шуғулланишар эди.

Миллодан аввалги IV минг йилликда инсоният тарихида янги давр — металлургия даври бошланди. Яъни, инсоният томонидан дастлабки мис кашф этилди. Мис сибатан юмшоқ металл бўлганлиги учун у тошини сиқиб чиқара олмади. Бу даврда кўп қуроллар тошдан ясалар эди ва шунинг учун бу давр неолит — лотинча мис-тош даври деб аталади. Худди шу даврда Туркманistonнинг жанубий қисмидаги Конетдоғ этаклари дастлабки ибтидоий деҳқонлар билан тўлиқ эгалланди.

Бу ёдгорлик бўлича бир неча йиллар давомида археологик изланишлар олиб борган А.Исқоннинг илмий натижаларига французиялик олимлар ҳамда балиқчилик қилиб кун кўришга мослашган Калтаминор маданиятига мансуб қабилалар яшашар эди. Ҳар ҳолда, яқин кунларгача деярли халқ билан бирга жамоатга «Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудлари дастлабки деҳқончилик маданияти Туркманistonнинг жанубий ҳудудлари, Эрон ва Афғонистон томондан келган» деган тушунча кенг ёйилган эди.

Агар Самарқанд шаҳридан 40 км. шарқда — Зарафшон дарёсининг шундоққина бўйида, Тожикистон билан чегара постидида жойлашган Саразм қишлоғида қилинган кашфиёт бўлмаганда, биз ўша эски тасаввур билан қолган бўлардик.

Саразм қишлоғидаги Авазли ота ўзининг ховлисида ер чапайтиб, ташқи томони анча



кўкариб кетган, лекин ички томондан сариқ буюмини топиб олади. Буюмни кўпчиликка кўрсатишга қарамай уни тушуниб етадиган биронта одамни топа олмади. Шундан сўнг уни археолог Абдуллажон Исақовга кўрсатишди. Археолог бу топилма неолит, илк бронза даврига оид болта эканлигини билиб, топилма аниқланган жойни кўздан кечириди ва тезлик билан бу ёдгорлиқни ўрганиш учун археологик экспедиция уюштириди.

Бу ёдгорлик бўлича бир неча йиллар давомида археологик изланишлар олиб борган А.Исқоннинг илмий натижаларига французиялик олимлар ҳамда балиқчилик қилиб кун кўришга мослашган Калтаминор маданиятига мансуб қабилалар яшашар эди. Ҳар ҳолда, яқин кунларгача деярли халқ билан бирга жамоатга «Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудлари дастлабки деҳқончилик маданияти Туркманistonнинг жанубий ҳудудлари, Эрон ва Афғонистон томондан келган» деган тушунча кенг ёйилган эди.

Агар Самарқанд шаҳридан 40 км. шарқда — Зарафшон дарёсининг шундоққина бўйида, Тожикистон билан чегара постидида жойлашган Саразм қишлоғида қилинган кашфиёт бўлмаганда, биз ўша эски тасаввур билан қолган бўлардик.

Саразм қишлоғидаги Авазли ота ўзининг ховлисида ер чапайтиб, ташқи томони анча

бериш одати кенг ёйилган эди. Саразм ёдгорлиги қўйи қатламларидаги сополлар ҳам шунга яқин эканлиги аниқланди. Иккинчи қатлам даврида яшаган қабилаларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари жуда ҳам кенг ҳудудларни қамраб олади. Бу Афғонистондаги Мундигак, Мергар, Эрондаги Шахри Сўхта, Тела Яхё, Тали Иблис ва бошқалар. Бу ердан тилладан ясалган айрим буюмлар ҳам топилган бўлиб, уларга ўхшаш буюмлар Месопотамиянинг Урук ёдгорлигидан ҳам қазиб олинган. Шу билан бирга ёдгорликдан топилган кўплаб чиганокларнинг қолдиқлари Ҳинд океани ва Форс кўрфазининг маданияти чиганокларига хос эканлиги аниқланди.

Ёдгорликнинг учинчи қатламда Саразмда кўп хонали уйлари билан бирга жамоатга тегишли ибодатхона ва бугдой сақланадиган омборхоналар пайдо бўлганлигини ва айнан шу даврдан бошлаб архитектура объектларини қуришда монументализм қўйилганини кўрамиз. Яъни, иморатлар деворлари гиштдан жуда қалин ва пишқ қилиб қўйилган. Уйлarning заллари, меҳмонхоналар йирик ва баланд қилиб қурилган.

Саразмнинг тараққиётидаги тўртинчи босқичда (миллодан аввалги 3 минг йилликнинг охири — 2 минг йилликнинг боши) бу ерларда шакланган энг дастлабки цивилизациянинг инкирозга юз тутганини

кўрамиз. Саразм маданиятининг ўтган аср 70-йилларида топилиши ва ўрганилиши мутахассис-олимлар ўртасида катта илмий тортишувлар пайдо бўлишига олиб келди. Бу тортишувларнинг асосий мавзуси — Саразм маданияти қадимги Шарқ цивилизацияларидан жуда узоқ бўлгани ҳолда бу ерда қаердан келиб қолганлигини кўпчилик тушуномас эди. Айнан Саразмни аниқлаган археолог Абдуллажон Исақов шу мавзуда докторлик диссертациясини ёзди. Унда олим Санкт-Петербург ва Москвадаги йирик олимлар билан кенгашган ҳолда, Зарафшон воҳасига бу илк деҳқончилик маданияти ҳайвон турлари эканлиги, уларни боқиб ва кўпайтиришда саразмликларнинг тажрибаси беқиёс катталлиги айtilди.

90-йилларнинг бошларида Самарқанд давлат университети ўқитувчиси Н.Аванесова томонидан Самарқанд билан Саразм ўртасида, Зарафшон дарёсининг қирғоғида Тўқай-тепа номли деярли бузилиб кетган тепа топилди. У қазиб ўрганилганда, Қозоғистоннинг шимолий қисмидаги ва Урал тоғлари атрофларида яшайдиган чорвадор аҳолининг бу ерга келиб Саразмнинг деҳқончилик маданияти аҳолиси сохиблари билан биргаликда бронза қўйиш билан шуғуллангани аниқланди. Уларнинг металл эритиладиган печлари, шлак, ўзлари билан олиб келган сопол идишлари топилди.

Биз Кўктепа ёдгорлигини 90-йилларнинг бошларида топганимиздан кейин бу ёдгорликка асос солган аҳоли қаердан келиб қолгани билан қизиқиб, беихтиёр Саразм маданияти келиб чиқиши муаммосига яна

рўпара келдик. Ҳамма гап шундаки, Саразмда археологик қазилмалар олиб борган французиялик археологлар бу ерда қўйиб кўмирга айланган деҳқончилик маҳсулоти қолдиқларини ўрганиб, «бу маҳсулотларни етиштирган деҳқонлар жуда кўп йиллар давомида деҳқончилик қилиш асосида шакланган ва фақат суғорма деҳқончилик туфайли вуҷудга келган тажриба ва аъёнларга эга» деган хулосани чиқаришди.

Худди шундай хулоса Саразм ёдгорлигидан топилган турли ҳайвонларнинг суяқларини ўрганиш натижасида бу ердаги ҳайвонларнинг асосий қисми хонаки, уйда боқиладиган ҳайвон турлари эканлиги, уларни боқиб ва кўпайтиришда саразмликларнинг тажрибаси беқиёс катталлиги айtilди.

90-йилларнинг бошларида Самарқанд давлат университети ўқитувчиси Н.Аванесова томонидан Самарқанд билан Саразм ўртасида, Зарафшон дарёсининг қирғоғида Тўқай-тепа номли деярли бузилиб кетган тепа топилди. У қазиб ўрганилганда, Қозоғистоннинг шимолий қисмидаги ва Урал тоғлари атрофларида яшайдиган чорвадор аҳолининг бу ерга келиб Саразмнинг деҳқончилик маданияти аҳолиси сохиблари билан биргаликда бронза қўйиш билан шуғуллангани аниқланди. Уларнинг металл эритиладиган печлари, шлак, ўзлари билан олиб келган сопол идишлари топилди.

Биз Кўктепа ёдгорлигини 90-йилларнинг бошларида топганимиздан кейин бу ёдгорликка асос солган аҳоли қаердан келиб қолгани билан қизиқиб, беихтиёр Саразм маданияти келиб чиқиши муаммосига яна

Бу макон, албатта, Саразмнинг охириги босқичига хос бўлиши керак. Бу ерда қадим даврлардан шакланган металлургия базиси Зарафшон воҳасининг кейинги даврлардаги тараққиётида асосий иқтисодий асослардан бири бўлиб хизмат қилган.

Саразм аҳолисининг келиб чиқишини аниқлаш мақсадида французиялик оlima, қадимги кулолчилик буюмлари бўйича йирик мутахассис Бертил Ленонадан «қадимий қатламлардан топилган сопол буюмлар жанубий Туркманistonдаги Геокюр ёдгорлигидан кўра кўпроқ Саразмникига ўхшайдими?» деб сўрасам, у «йўқ, улар анча бошқача» деган жавобни берди. Шундай экан, қандай қилиб жанубий Туркманistonдан Зарафшон воҳасига келган қабилалар бу ерда бошқа сопол ишлаб чиқаришлари керак?

Шундан кейин француз оlima Саразм сополларига бағишланган алоҳида монография чикариб, бу ерда ишлаб чиқилган кулолчилик буюмларига ўзига хос сайқал берилгани, кўпроқ улар қизил рангли бўлиб, идишларни куйдириш пайтида юзасида қора ва кул рангдаги доғлар пайдо бўлганлиги тўғрисида ёзди. Албатта, булар Саразм маданиятини белгилайдиган алоҳида ўзига хос белгилар эди.

Саразм маданияти ва бу ердаги илк цивилизация миллоддан илгариги II минг йилликнинг бошларидаги ривожланиш, бизга ҳозирча номаълум сабабларга кўра таназзулга учирайди. Лекин, фикримизча, кулолчиликнинг айнан шу Саразмда бошланган аъёнларини биз кейинроқ Фарғона водийсининг Чуст маданиятида давом этганлигини кўрамиз.

Шундай қилиб, ҳозирда Самарқанднинг 2750 йилли юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган бўлиб, бу шаҳар бўш жойда ўз-ўзидан вуҷудга келиб қолганини, балки у шаҳар бўлиб шакланганга қадар жуда қадимги даврларга бориб тақалладиган шаҳарсозлик маданияти аъёнларига эга эканлигини таъкидлашни истардик. Бу ерда вуҷудга келган қадимги деҳқончилик маданияти ҳам маҳаллий неолит даври маданиятлари, Хисор ва Фарғонанинг неолит даври маданиятларининг ўзари ривожланиши ва бир-бирига таъсири натижасида вуҷудга келган, деб қарамок керак.

Муҳаммадjon ИСОМИДДИНОВ, ЎзРФА археология институты етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори

ЗИЁ МАСКАНИ

Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонаси «Ахборот-кутубхона маркази»га айлантирилди.

Айни пайтда ахборот-кутубхона

маркази ўзининг 302 минг 868 нусха китоб фондига эга. Мазкур қарорга кўра, шу ернинг ўзидидаги ўттизга яқин замонавий компьютер терлар билан жиҳозланган компьютер марказида «Ахборот-кутубхона маркази» ходимлари 144 соатлик ўқув режа асосида ўз малакалари ва компьютер саводхонликлари

оширмоқдалар. Бу ерда гуруҳларга бўлинган қирқ учта ижодий ходим босқинча-босқич ўқитилади.

Суратда: ўсмирлар ўқув бўлими мудираси Асал Авазова (ўнгда) ва кутубхоначи Азиза Раҳимова.

Ш.ШАРПОПОВ (ЎЗА) олган сурат



ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Сўнги йилларда Нукус шаҳрида жамоат транспорти катновида айрим муаммолар юзага келган, хусусан, автобус ва троллейбуслар катнови талабга жавоб бермаётган эди.

Нукус шаҳар троллейбус бошқармаси бу борадаги аҳолини яхшилаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгилди. Ўтган йили банкдан олинган 20 миллион сўм кредит ҳисобига транспорт воситалари учун зарур эҳтиёт қисмлар келтирилди. Бошқармага қарашли таъмирлаш цехлари қайта жиҳозланди.

Изчил режа асосида олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Қисқа фурсат ичида корхона 84 миллион сўмлик қарзининг деярли ярмидан қутилди. Мавжуд транспорт воситаларининг эскириб қолганлари қайта таъмирланди, йўналишга чиқарилди.

Шу кунларда шаҳарликларга транспорт хизмати кўрсатиш яхшилана бошлади. Ижтимоий ҳимоя йилида янги троллейбуслар келтириш ҳам режалаштирилган.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА мухбири

ҚИШЛОҚДА МИНИЗАВОД

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Фарҳод-5» қишлоғида ташкил этилган мини завод кунига икки минг тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга.

Замонавий корхона асосида маҳсулот тайёрланаётган мазкур корхонада ўндан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда.

Боёвут ва Гулистон туманидаги фермер ҳўжаликлари билан ҳамкорликда иш юритаётган мазкур корхонада тайёрланаётган сут, қаймоқ, қатик сингари маҳсулотлар маҳаллий истеъмолчилар билан бирга Бекобод цемент заводи ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси ишчиларига ҳам етказиб берилмоқда.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири



Тажриятимиз меҳмони

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Фаргона вилоятида тилга тушган тўртта асосий нуқта бор: Кўкон кўҳна маданиятию обидалари билан, Маргилон «гонконгча» бозору савдогарлари билан, Шохимардон ўхшашсиз сулувлуги-ю, аҳолисининг ярми қассоблиги билан, Олтиариқ эса ўта хушёр кўрикландиган махсус депарлардаги посбонларини ҳам гафлатда қолдириб, беҳудуд мамлакатимизнинг энг кутилмаган нуқталарида пайдо бўлувчи бодринг ва турплари билан эътибор қозонган.

Мен Олтиариқда туғилганман. Умиримнинг кўп қисми ана шу бесаранжом нуқтада кечган бўлса-да, жойдошларимга ҳануз тўлиқ тушуниб етолмайман — синчиқлаб тикилган киши уларнинг юзидан биратўла олти хил маъно ўқиши мумкин. Шулардан энг яққол кўзга чалинадиган мунг ва қувноқлик қоринмасидир.

Хуллас, ўзим кўриб-билганларим ва эшитганларим ҳақида баҳоли қудрат баён қилаверай, мунг қаерда, қувноч қаерда — эҳн солиб ажратиб олаверинг.

- Олтиариқликдан сўрашибди: — Энг фаросатли ҳайвон нима? — Ит. — Нега? — Бодрингга тегмайди. Олтиариқликдан яна сўрашибди: — Энг фаросатсиз ҳайвон нима? — Ит. — Нега? — Бодринг емайди.

Полосондаги бир тўйга шакарқишлоқлик пийёда, ширинқишлоқлик велосипедда келибди. Дастурхон ёзилиб, машат бошланганди. Турда кўр тўйиб ўтирган шакарқишлоқлик ичимликни кўлга олаётиб, «пастдагиларга ҳам беринглар», дея ширинқишлоқликка гап юмалатибди. Ширинқишлоқлик эса узатилган пийёдани олмай, тўрсайганича дебди: — Ароқни пийёда келганлар ичсин, биз рудламит.

Олтиариқликлардан: «Раҳбарнинг яхши-ёмонини қандай фарқлаш мумкин?» деб сўраса, «бодрингга бўлган муносабатидан», деб айтишади.

Олтиариқда Бешогайни деган миришкор узумчилар маҳалласи бор. Уша ерлик йигит Тошкентда узум сотиб турса, харидорлардан бири: «Буни қаердан олқалдинг?» деб сўрабди.

— Бешогайнидан. — Ўв, бола, мен узум қаерда етиштирилганини сўрайман, — дебди харидор. — Кимлардан олгани билан ишим нима?

Ширинқишлоқлик анатомия ўқитувчисига: «Нега одамнинг овғи иккита?» деб савол беришибди. — Табиат уни шимга мослаб ясаган, — дебди ўқитувчи.

Турғунбой ака Маргилонга бодринг олиб борса, гўдайган бир киши келиб: «Килолаб олишни ёмон кўраман, доналаб сот», дебди. — Мен килобай сотай, — дебди Турғунбой ака, — сиз санаб олқатаверасиз.

Иш тополмай қўйналган шахарлик бир йигит, Олтиариққа келиб ижарага ер олибди. Тарвуз аскан экан, ёзга чиқиб қарасаки, ҳаммаёқни ошқовок босиб ётганмиш. — Сен билан тарвузга шартнома тугангмиш, — дебди агроном. — Ошқовоғингни пишириб е. — Менга ўргатманг, — деб гердайибди шахарлик йигит, — қайси аҳмоқ хомича ейди!

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» OCHIQ AUKSION SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

2007 йил, 8.15.22 февраль кунлари соат 11.00ла Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yatmarka» АК «Узулгурсавдо»нинг биносига, объектнинг бошланғич баҳоси қадам ба қадам ошиши тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига такроран, Самарқанд вилояти Хўжалик суди қарори билан банкрот деб эълон этилган «Ф.Йўлдош» масъулият чекланган жамиятига қарашли қуйилган мулк ва автотранспорт воситалари қўйилади: 1. Самарқанд вилояти, Булунгур тумани, Болғали қишлоғида жойлашган «Ф.Йўлдош» МЧЖнинг мол-мулклари мажмуаси (бино, иншоот ва асбоб-ускуналари) Бошланғич баҳоси — 35 435 000 сўм. 2. «ГАЗ-53» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм. 3. «Т-28х4» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган трактор Бошланғич баҳоси — 153 000 сўм. 4. «УАЗ-456» русумли, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм. Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пули тўлаши шарт. Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади. Қўшимча маълумотлар учун «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yatmarka» АК «Узулгурсавдо» биносига, 4-қават, 428-хона. Маълумот учун тел/факс: 142-43-97.

Янги йилнинг биринчи кунини Дўрмонга худди бутургидай қалин қор тушди. Аввалига шунчаки учқунлаб турди, кечаси лайлаккорга айланиб, бир ташлади, бир ташлади... Яқкам-дуккам, катта-кичик чорбоғларга олиб борувчи йўллар ёпилиб, баъзи муолишалардан одам тугул машина ҳам ўтолмай қолди. Бир-бирларини кунда-кунора кўрмаса, дунёнинг не-не янгиликларини-ю, аҳли қаламга тааллуқли миш-мишлардан беҳабар қоладиган фаол кўшчилар ҳам дарвозаларидан ташқарига ақалли мўралаб кўйишгани йўқ. Маҳалла кифасини ола бошлаган икки кўчадан иборат бу гўша ажабтовур жим-жит бўлиб қолди. Чала, битмаган иморатларнинг томида тинимсиз тарақа-туруқ қилаётган устлар бугун ҳам дам олишмоқда чоғи, тик этган овоз эшитилмайди. Айрим мўрилардан чиқаётган қуюқ тутунни айтмаса, аралашқурғонда эътиборга молик нарсанинг ўзи йўқ.

Бундай пайтда, агар битган бўлса, ижодхонага кириб, бир нималарни қоралаш ёки диванга астойдил жойлашиб, чойни аччиқроқ дамлаб, телевизор кўриб ётиш мумкин. Мен узок ўйлаб ўтирмай иккинчисини тандадим. Қани, бу йил телехондорларимиз бизни нима билан хурсанд қилишаркин...

Дастлаб латифалар талови кетди. Ёмон эмас, янги-янги латифагўйлар пайдо бўлибди. Улар орасида ёш-ёш сингилчаларимиз, болаларимизнинг борлигини айтмайсизми? Латифадан кейин бошқа канални бураб, қиринли кўшиқлар тингладим. Бўш ётганимда, битта ашулани ҳафта ичиде элгинчи бор эшитсанг ҳам бўлаверар экан. Кейинроқ Раҳимжон Маҳмадов сценарийи асосида суратга олинган янги «Оқтош асираси» фильмининг томоша қилдим.

Фильм нуқтаси олтидан ижодий гурӯҳ аъзолари томошабинларга, жумладан студияга тақдим этилган мухлисларга ҳам, бу фильм қандай пайдо бўлгани, қаерда ва қандай шароитда, нима

мақсадда суратга олингани, актёрларни танлаш жараёни; сўйма чоғида юз берган воқеалар тўғрисида батафсил десам кам бўлади, ундан ҳам ошириб гапириб беришди. Чунанга гапиришдики, миллий кино санъатимизда буюқ, бетакрор бир асар яратилганига деярли ҳаммани ишонтиришди. Кўрсатувда иштирок этган актёрлардан бири «Мен бу фильمنى ҳали кўрмаган бўлсам ҳам, яхши кўриб қолдим», дедорди.

воқеалари Кавказда эмас, ўзимизнинг Оқтошда кечади. Диалоглар, қўшиқ биров ўзгартирилган. Актёрлар рус тилида, шарқона лаҳжада гапиришди, баъзи «қичима» ибораларини эса ўзбекча талаффуз қилишди. Бор гап шу.

Тақдирот кўрсатувида бу фильм томошабинларга янги йил совғаси эканлиги айтилган эди. Яна, Обид Асомов «Оқтош асираси»ни бевоисита «Кавказ асираси» деб тушунмасликни такрор-такрор сўра-

Аччиқ, аммо очик гаплар

руст ижро этишган. Мослаштирилган диалогларда ўзбекча на лутф, маънодор ибора-ю, тағдор қочиримлар бор. Режиссёр ва операторга эътироз билдириш қийин — уларнинг кинода, ҳарқалай, янги одамлар эмасликларини кўришиб турибди. Бундай жамоа билан ҳар қандай вазифани қиймига етказиб бажарса бўлади. Шу фикрга келганингизда

деган кулги санъатимиз мавжуд-ку. Нега уларни кино тилига кўчирмаймиз, халқимизнинг беғубор қалби, содда кўнгли, одамхўнлиги, меҳр-оқибатини бадий сатира орқали кўрсатмаймиз? «Оқтош асираси», борди-ю, у ҳар жиҳатдан муқаммал бўлганида ҳам, «Кавказ асираси»нинг мосламаси. Таъбир жоиз бўлса, уша машҳур, таъми кўпчиликнинг оғзида қолган шўрваннинг шўраси. Қўшининг таоми билан уйда мақтаниб бўлмайди. Шундай экан, истейдод ва маҳоратни беҳуда исроф қилмаган маъқул эмасми?!

Бадий адабиётда, тасвирий санъатда, жумладан кино санъатида ҳам, бирор-бир оригинал асарнинг нусхаси ёки мантикий давомини яратиб аънаси бор. Аммо бу аънаа ижодкор учун асосий юмушга айланиб қолмаслиги керак. Янги «Тоҳир ва Зухра»ни яратдик, «Ер-ёр»дан нусха кўчирдик, «Парвона»ни янгиладик. Энг номдор санъаткорларимиз ун ҳам бошқа ҳақларнинг мусикасини шундоққина олиб, сўзини ўзгартириб қўйлавериш одат тусига кириб бўлди — бирор бир нима деяётгани йўқ. Маана энди «Оқтош асираси». Эртага кимдир шу ўхшатмадан илҳомланиб, хонаки студиялардан бирида «Кўктош асираси»ни суратга ола бошласа ёки «Малиновкадаги тўй», «Ишдаги иш», «Тақдир ҳазили» каби бетакрор фильмларнинг мосламасини яратишга киришиб кетса, унда нима бўлади? Шу хусусда бошимизни бироз қотирмасак бўлмайди шекилли. «Оқтош асираси» ижодкорлари бу мулоҳазаларни тўғри қабул қилдилар, келинни қариндошлар ёрдамида ўғирлатиш беш учун мутлақо ёт ҳодиса эканлигини англаб етдилар ва йил давомида бизни янги, оригинал асарлар билан хушнуд этишади, деган умиддамиз. Зеро, бу иш уларнинг қўлидан келади. Гап чин маънодаги ижодни сохта кўчирмақашликдан фарқлашда қолган ҳолос.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ОҚТОШГА АЙЛАНГАН КАВКАЗ

ЁХУД ОБИД АСОМОВНИНГ БАЖАРИБ БЎЛМАЙДИГАН ИЛТИМОСИ

Қойил, мана буни рекламанинг кучи дейдилар. Киноя қилаётганим йўқ, менинг ўзим ҳам шунча мақтовдан кейин «Оқтош асираси»га қизиқиб қолдим. Мақтов шу қадар кудайки, мабодо шу пайтда саховатли кўшиқларимиздан бири от ёки туя сўйиб, меҳмон хачирса ҳам чиқмас эдим. Шундоқ фильмин кўрмай ўтказиб юбориш инсофдан эмас-да!

Нихоят, фильм бошланди. Фильм ижодкорлари бугун хусусий ва ҳаваскор кино санъатимизда урф бўлиб бораётган, бошни қотириб ўтирмайдиган «ўхшатма» услини танлашган. Яъни, ҳали намойиш этилмай туриб мақтов осмон қадар кўтарилган «Оқтош асираси»нинг сюжети машҳур «Кавказ асираси» фильми сюжетининг нақд ўзгачаси. Ипидан игнасиғача, қийимдан латифасигача! Воқеалар, қаҳрамонлар бир хил. У ерда ҳам, бу ерда ҳам ўта масҳарабоз лақалумланг келинчаки ўғирлашади. Келин хар икки фильмда ҳам шартқилиб қилиб, кўёнинг қулгоғига гул «тақиб» қўяди. Фарқи — янги фильм

бир нарса нафсониятингизни қитқилайди — актёрлар маҳоратли, сценарий муаллифи истеъдодли, Оқтош Кавказдан қолишмайдиган чиройли бўлса, ҳаётимизда латифалар тўлиб-тошиб ётса, қувноқликда биздан ўтадиган халқ дунёда топилмас, бу фильмин машҳур фильмга ўхшатила қилиб эмас, оригинал сюжет асосида суратга олиш мумкин эмасмиди?! Нима, ўзимизда Сааховга ўхшаган муғомбирлар, чўнтагига бир нима солиб қўйсангиз, яқин жигаридан ҳам кенч юборадиган лўттивозлар, салласи деса, калласини олиб келадиган лаббайчилар йўқми, содда, беғубор Шуриқлар топилмайдими?!

Гуржиларнинг қисқа метражли киноларини хар гал завқ билан томоша қиламан. Муаллифларнинг маҳоратига қойил қоламан. Аммо ҳаётимизга кичик бир таассурот қолдирди. Ижодий жамоа сценарий муаллифининг ниятини амалга ошириш учун кўп иш қилган, маҳорат сарфлаган. Аксарият актёрлар (хонанда Самандардан ташқари) ўз ролларини ду-

Спорт

Янги Спорт Мажмуи

Янги йил арафасида Нукусдаги замонавий спорт иншоотлари сони яна биттага кўпайди. Ўзбекистон Болалар Спортини ривожлантириш жамғармаси сабъ-ҳаракати билан кадр ростлаган ёпиқ спорт манежиде бир вақтининг ўзида 500 нафар ўғил-қизнинг жисмоний чинқишлари учун барча қулайликлар яратилган. Эндиликда болаҳонлар бу ерда енгил атлетика, баскетбол, мини футбол, теннис, бадий гимнастика, оғир атлетика, стол тенниси сингари спортнинг ўн беш тури билан шугулланишади.

Болалар спорт мажмуи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ягона бузуртмачи хизмати инжиниринг компанияси бош пудратчи Парахат Исмоилов раҳбарлик қилаётган «Пари қурилиш» масъулият чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қуриб битказилди.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ



«АМИН-ИНВЕСТ» ҚИЗЛАРИ



Суратларда: «Амин-Инвест» қизлар мини-футбол жамоаси; мусобақадан лаҳза. Муаллиф олган суратлар

Жомбойда мини футбол бўйича «Амин-Инвест» қизлар жамоасига асос солинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Яқинда жомбойликлар пойтахтимизда уюштирилган Ўзбекистон III чемпионати биринчи босқич баҳсларида муносиб қатнашиб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

Тўққиз жамоа иштирок этган мусобақада «Амин-Инвест»нинг футболчи қизлари мамлакатимизнинг номдор клублари «Строитель» (Зарафшон), «Анджанка» (Анджон) вакилларига ютқазган бўлса-да, «Севинч-2» (Қарши), «Олимпика» (Тошкент) жамоалари устидан ишончли ғалаба қозондилар.

— Жамоамиз аъзолари маҳаллий қизлардан ташкил топган, — дейди бош мураббий Ибрагим Белялов. — Улардаги иштиёқ ва ғалабага бўлган интилиш тўғрисида чемпионатга ташриф буюрдик. Дастлабки натижалар чакки эмас. Биринчи тур якунига кўра, турнир жадвалининг бешинчи погонасини банд этдик. Бунда албатта, жамоамизни хар томонлама қўллаб-қувватлаган «Амин-Инвест интернэшнл» корхонаси (директори Эмма Кастомирова) раҳбарларига миннатдорчилик билдирамит. Ишонманки, шогирдларимиз келаси ойда бўлиб ўтадиган иккинчи босқич мусобақаларида қуччилар қаторига кириш учун баҳс юритишади.

Эркин ХОЛБОБО

Table with various sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Olim MURODOV, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIY PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; VILOYATI MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика маркази жамоаси марказ бош ҳисобчиси Тўлқин Махмудова онаси Садорат НАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.